

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТЛАР РЕЙТИНГИ ВА РЭНКИНГИНИ
БАҲОЛАШНИНГ ПРИНЦИПИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Ташпулатов Г.Т.

Тошкент молия институти

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда баҳоловчи ташкилотлар фаолиятининг рейтинг ва рэнкинг баҳолаш принципи, кўрсаткичлари ва методологиясини ҳамда халқаро рейтинг агентликлари шкаласига мувофиқлаштирилган миллий рейтинг баҳолар кросс шкаласини ўз ичига олувчи методология ва уни қўллашнинг учта альтернатив эквивалент варианты ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: рейтинг ва рэнкинг баҳолаш, сифатий ва миқдорий кўрсаткичлар, кросс шкала, халқаро рейтинг агентликлари, тороидал модель.

1. Кириш.

Жаҳонда қийматни баҳоловчи ташкилотлар рейтинг ва рэнкинг баҳоланишини махсус ишлаб чиқариш жараёни ва бизнес, улар маҳсулотини бозор товари ва индикатори, буларнинг тўпламини яхлит иқтисодий категория ҳамда ушбу категория билан боғлиқ амалий ва илмий фаолиятлар соҳаси сифатида иқтисодиёт ривожланишида муҳим роль ўйнаши эътироф этилган. Чунончи, халқаро экспертларнинг хулосасига кўра¹, "... дунёда ушбу соҳанинг назарий-фактологик базиси, методологик ва институционал таъминоти шаклланган бўлсада, лекин глобал беқарорлик ва рисклар кучайиши, рақамли инновацион технологиялар жорий қилиниши, вируслар пандемиясининг кенг тарқалиши каби турли омиллар глобал рақамли муносабатлар ривожланиши шароитида баҳоловчи ташкилотлар фаолиятининг транспарентлиги ва рақобатдорлиги, рейтинг ва рэнкинг аниқлиги, тезкорлиги ва ишончлилиги оширилишини талаб қилмоқда. Бунда айниқса кўпчилик мамлакатларда мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозорларининг (МҚБХБ) тез суръатлар билан рақамлаштирилиши сабабли бозор иштирокчиларининг кенг кўламда глобал рақамли муносабатларга ўтиши эса баҳоловчи ташкилотлар рейтинг ва рэнкинг баҳоланишининг такомиллаштирилиши зарурлигини англатади".

Юқоридаги айтилган фикрларнинг барчаси бир томондан, "Рақамли Ўзбекистон-2030" Стратегияси (Фармон, 2020; Фармон, 2020) ва Давлат раҳбарининг баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳолаш хизматлари бозорида эгаллаган ўрни ҳамда бошқа мезонларга қараб бериладиган баҳоловчи ташкилотларнинг рейтингини жорий этиш билан боғлиқ топшириғига (Қарор, 2019) ҳамоҳанглиги, иккинчи томондан эса, баҳоловчи ташкилотлар рейтинг ва рэнкингини Ўзбекистоннинг ҳозирги даврдаги ривожланиш шароити ва талабларига мос равишда аниқлаш имконини берувчи биронта ҳам методология ва рейтинг агентлиги йўқлиги, ушбу мақоланинг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

2. Адабиётлар шарҳи.

Баҳоловчи ташкилотлар рейтинг ва рэнкингини баҳолаш борасида иқтисодчи олимларнинг ёндашувлари турлича эканлигини кўриш мумкин.

Миркин (2014) рейтинг суверенитет элементи эканлиги фикрини берган.

Синяк (2012) фикрича, рейтинг – ташкилот, фирма, компаниялар гуруҳининг ҳолатини белгиланган давр (ярим йил, бир йил) учун яхлит мезонларга мувофиқ

¹ Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари. Халқаро валюта фондининг бюллетени, 2020 йил октябрь (www.imf.org); Жаҳоннинг рақамли ривожланиши тўғрисида доклад. ЮНКТАД, 2020 йил октябрь (www.unctad.org/diae); Жаҳон банки, БМТ, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкilotи (OECD), Умумжаҳон иқтисодий форум, Ernst&Young, KPMG, McKinsey, PricewaterhouseCoopers, Boston Consulting Group, Accenture Strategy, Huawei, Oxford Economics, Standard&Poors, Fitch Ratings, Moody's I.S.

баҳолаш. Рейтинг индекс сифатида аниқланади. Индекс ҳисоб-китоблари йиғилган маълумотларга, шу жумладан, тузилмаган, рақамли бўлмаган/молиявий бўлмаган маълумотларни таҳлил қилишга асосланган. Ҳар қандай рейтингни тузишнинг асосий принципи маълум бир шаклда қайта ишланган маълумотлардан фойдаланган ҳолда бозор иштирокчисининг ўз турига оид мавқеини акс эттиришдир. Рейтинг - бу таҳлил қилинаётган объектни кўрсаткичлар бўйича баҳолаш.

Дьяченконинг (2018) фикрича, кўп мамлакатларда рейтинг баҳо миқдорлари компаниялар учун бенчмаркинг сифатида қўлланилади. Бунда Дьяченко (2018) компания рейтингларини таснифлаб, уларни миллий ва хорижий валютада тўланиши, қисқа ва узоқ муддатли, масофавий (сўраб олинмайдиган, тўловсиз) ва бевосита алоқада бўлувчи (сўраланадиган, тўловли) белгиларда бўлиши мумкинлигини айтади.

Ковалеванинг (2004) фикрича, рейтингни шакллантиришда овоз бериш энг муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, социологик сўровномалар ва анкеталар ҳам муҳим роль ўйнашини таъкидлаш лозим. Унга кўра, рейтинг – бу малакали мутахассисларнинг позицияларидан келиб чиқиб шакллантириладиган баҳолаш белгиси деб аталган.

Волкованинг (2001) фикрига кўра, “Рейтинг” сўзи, белгиланган тизимда олдиндан белгиланган тартиб ва шартларга мувофиқ алоҳида бирликлар яратилишини англатади.

Новопашина (2008) рейтинг деганда ташкилотнинг бозордаги ўрни қайси поғонага оидлигини белгилайдиган миқдорий баҳосини назарда тутаяди. Мос равишда, унга кўра компания рейтингини унинг фаолиятини миқдорий ва сифатий ифодаловчи кўрсаткичлар миқдорига қараб қандайдир разрядга, тоифага мансублик даражасини баҳолаш сифатида талқин қилинишини тушуниш мумкин.

Курбатова ва Безбородова (2016) рейтингни иқтисодий категория сифатида бозор инструментлари кесимида қарашга асосланиб таърифлаганлар, яъни уларнинг фикрича рейтинг – бу объект сифатини тавсифловчи ва осонликча пулга айланадиган алоҳида мустақил бозор категорияси.

Ўзбекистонда рейтинг баҳолаш билан боғлиқ баъзи ишлар қўйидаги олимлар ва мутахассислар томонидан бажарилган: Шоҳаъзамий (2020), Рахимов (2013), Қаландарова (2019), Суннатов (2020), Алимов (2019). Бу муаллифлар ҳам (Шоҳаъзамий, Суннатов ва Алимовдан ташқари), рейтинг ва рэнкинг баҳолашда мавжуд мумтоз методикаларни қўллашган. Ушбу тадқиқот ишлари баҳоловчи ташкилотлар рейтингини ва рэнкинги баҳоланиши масалалари ечимига қаратилмаган.

Айтилганлар асосида рейтингнинг категориялар апаратини тизимлаштириш рейтинг тушунчаси мазмун-моҳиятини (инглиз тилида «*Rating*» сўзи қўйидаги маъноларда ишлатилади: баҳо, баҳолаш, синф, разряд, ранг, ўрин) ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт доирасида тадқиқ этиб очиб бериш учун муҳим бўлганлиги сабабли, қўйидаги тушунча ва қарашларни келтириш ўринли. Зеро «*Rating*» сўзининг маънолари рейтинг тушунчасининг иқтисодий мазмунини тўлиқ ифодамай олмаслиги сабабли ва бу тушунча бўйича мавжуд қарашларни ўрганиш асосида олим ва экспертлар томонидан ҳозиргача талқин қилинган рейтинг ва рэнкинг тушунчалари мазмунида аниқлик ва ноаниқликларни кўриш мумкин.

Кўплаб манбаларда “рейтинг” ва “ранжирлаш мазмунида рэнкинг” тушунчалари синонимлар деб қаралади. Аммо, аслида бундай эмас. Рэнкинг – бу қандайдир ўрнатилган хосса бўйича объектларнинг ортиб ёки пасайиб боровчи тартибли ўринларга мос эканлиги. Рейтинг эса – бу бир вақтнинг ўзида объектни унга ўхшаш объектларга хос бир нечта кўрсаткич миқдорини баҳолаш асосида жойлашининг кўрсаткичи (Миркин, 2014; Синяк, 2012; Дьячкова, 2018; Ковалева, 2004; Волкова, 2001; Новопашина, 2008; Курбатова ва Безбородова, 2016).

Хориж ва мамлакатимиз олим ҳамда мутахассислари томонидан рақамли трансформация шароитида баҳоловчи ташкилотлар рейтингини ва рэнкинги баҳолашнинг методикалари ишлаб чиқилмаган.

Библиографик таҳлил натижалари мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш долзарблиги ва зарурлигини белгилайди.

3. Тадқиқот методологияси.

Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотлар рейтингини ва рэнкингини баҳолаш масалаласининг ечимига эришишда методология сифатида ижтимоий-иқтисодий системология қоидалари [14, 15] ҳамда жаҳон тажрибасида тўпланган рейтинг баҳолашнинг назарий-фактологик базисига асосланган. Бунда тизимли ёндашув,

кузатиш, танлаш, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таққослаш, абстракт-мантикий фикрлаш, математик формализация, эмпирик тест синов, комплекс таҳлил ва комплекс прогнозлаш, статистик қайта ишлаш, эконометрик моделлаштириш, солиштирма таҳлил, кузатиш, рейтинг ва рэнкингни эксперт баҳолаш ҳамда бошқа усуллардан фойдаланилган.

Муаммолар ва назарий-методологик базис.

Ривожланаётган мамлакатлар МҚБХБнинг муаммоларидан бири – бу профессионал фаолият юритувчи баҳоловчи ташкилотларнинг ахборот шаффофлиги (транспарентлиги) ва рақобатдорлиги бўлиб, уларни ҳалол рақобат асосида транспарент ривожланишида ва бунда уларнинг потенциал мижозлари томонидан асосли танланилишида ишончли ва сифатли рейтинг баҳоларнинг муҳимлиги ушбу бозор иштирокчилари томонидан объектив зарурат сифатида эътироф этилмоқда. Бунда рейтинг ва рэнкингни баҳолаш ташкилотларининг катта роль ўйнаши уларга ушбу бозор иштирокчилари томонидан нафақат катта ишонч, масъулият ва жавобгарлик юклатилиши, балки уларни белгиланган тартибда аниқ ва ишончли маълумотлар билан мунтазам таъминланиши зарурати билан белгиланади. Зеро, мазкур муаммо ечимининг замонавий самарали усули – бу қийматни баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкинги баҳоланишини махсус ишлаб чиқариш жараёни ва бизнес, улар маҳсулотини бозор товари ва индикатори, буларнинг тўпламини яхлит иқтисодий категория ҳамда ушбу категория билан боғлиқ амалий ва илмий фаолиятлар соҳаси эканлиги тўғрисидаги мавжуд қарашларни библиографик таҳлилий тизимлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Одатда, баҳолаш предмети деганда тадқиқ этилаётган объектнинг алоҳида хоссаси ёки хоссалар тўплами ҳамда унинг фаолияти самарадорлиги, уларни баҳолаш воситалари ва бунда юзага келувчи муносабатлар тушунилади. Умуман олганда, баҳолашнинг объекти ҳар қандай омиллар ва кўрсаткичлар, мулк турлари, қарорлар, ҳодиса ва жараёнлар, хоссалар ва қонуниятлар, материялар, субъектларнинг фаолияти бўлиши мумкин.

Баҳоларнинг, шу жумладан рейтинг баҳо ва қиймат баҳосининг, иқтисодиётдаги ва умуман жамиятдаги роли ва ўрнини билиш учун улар баҳолашнинг объекти ва предметиға кўра таснифланади ва тавсифланади.

Умуман олганда, баҳо турларининг мавжуд таснифлари таҳлили асосида уларни учта йирик гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин: миқдорий, сифатий (вербал) ва рейтинг (ҳамда рэнкинг).

Бизнингча, рейтинг баҳони иқтисодиёт субъектлари, жумладан қийматни баҳолаш фаолиятиға (маълум давр учун) бериладиган умумлашган (комплекс, универсал) эксперт баҳо сифатида қабул қилиш мумкин, чунки рейтинг баҳолашда нафақат миқдорий ва сифатий баҳолар қўлланилади, балки унинг ёрдамида баҳоланувчи кўрсаткич прогнозланиши ва бунда унинг миқдорига ижобий тузатиш киритиш, рейтинг баҳолаш субъекти фаолияти самарадорлигини ошириш ёки унинг рақобатбардошлилигини оширишға қаратилган ривожлантириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш ҳам мумкин.

Рейтинг – бу таҳлил қилинаётган объектни баҳолаш формати ва машҳурлиги тўғрисида мижоз учун муҳим бўлган маълумотни ўзида мужассамлаштирган яхлит белги.

Рейтинг баҳо – бу иқтисодиёт субъектларини уларнинг (яъни рейтинг баҳолаш ташкилотларининг баҳолаш объекти сифатидаги субъектлари бўлмиш мижозларининг) ҳошишиға биноан фаолият соҳалари ва муҳим кўрсаткичлари бўйича маълум даврда эришган муваффақиятини сифатий ва миқдорий комплекс таҳлил қилиш натижаси асосида жорий ҳолати ва рақобатдорлик даражасиға ҳамда бозордаги рақобат ўринларини белгиловчи интеграл кўрсаткич (хулосавий баҳо) бўлиб, рейтинг агентлигининг белгилаган рейтинг шкаласи бўйича расмий фикрини ифодалайди.

Рэнкинг – бу белгиланган кўрсаткич бўйича объектларнинг ортиб ёки пасайиб борувчи ўринларини ифодаловчи тартиблаштирилган жадвалий ахборот.

Расмий рейтингларнинг асосий мақсади – профессионал экспертлар томонидан уларнинг умумлашган рейтинг баҳолаш хулосасиға асосан қарор қабул қилиш сиёсатини шакллантирувчи талабгор шахслар учун якуний таҳлилий-аналитик маълумот тақдим этишдан иборат.

Баҳоловчи ташкилотлар фаолияти соҳасида рейтинг баҳолашга оид афзалликларни тадқиқ этишда қуйидаги муҳим муаммоларга урғу бериш тақазо этилади:

1) рейтинг, энг аввало, баҳолаш объектига (ташкilotига) тегишли маълумотлар манбаси бўлиб, у мазкур маълумотларга талабгор истеъмолчи(мижоз)ларни қизиқтирган кўп кўрсаткичлар миқдорларини қамраб олади;

2) рейтинг, баҳолаш объекти учун мотивация бўлиб, унинг бозордаги позициясини яхшилашга хизмат қилади;

3) рейтинг одатда баҳолаш предмети ҳақидаги қарашларнинг шаклланишига таъсир кўрсатадиган субъектив омиллар салмоғини камайтиришга имкон беради;

4) рейтингни баҳолаш объектининг ўз имиджини шакллантириш ва обрўсини ижобий томонга ошириш мақсадида янги мижозлар ва шерикларни жалб қилиш, брэндига адекват ва объектив нархларни шакллантириш ва ҳ.к.лар учун ўзи ишлатиши мумкин.

Рейтингни баҳолаш натижалари умумий шкалага эга бўлганлиги уларни ўзаро қиёсий солиштириш имконини беради. Бунда "рейтинг" тушунчаси "эксперт тизим", "эксперт" тушунчалари билан узвий боғлиқ. Қарор қабул қилувчи шахс зарур ҳолларда экспертлар гуруҳига мурожаат қилиб улардан аниқ масаласи бўйича хулоса олиши мумкин. Эксперт сифатида соҳа мутахассислари ва (ёки) тегишли рейтинг агентлиги бўлиши мумкин. Ахборот шаффофлиги шароитида рейтинг муваффақиятнинг прогнози ҳам бўлиши мумкин. Умуман олганда, рейтинг баҳолаш ахборот ноаниқлигини пасайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистонда жаҳондаги МҚБХБда кенг фойдаланилаётган рейтинг баҳолардан фойдаланиш қонуний даражада етарли бўлмасада, тўғри танланган рейтингни баҳолаш методологияси ва унинг асосида тузилган рейтинг ва рэнкинглар ушбу бозор учун ишончли маълумот манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги №ПҚ-4381-сон Қарори 7-бандидаги 3-абзацда "Ўзбекистон Баҳолаш ташкилотлари ассоциацияси ва Баҳоловчилар жамияти томонидан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар мониторинги асосида, штатда билимдон баҳоловчиларнинг мавжудлиги, мазкур баҳолаш ташкilotи томонидан бозорда эгаллаган ўрни ҳамда бошқа мезонларга қараб бериладиган баҳолаш ташкilotларининг рейтингини жорий этиш тўғрисидаги ва уни жамоат ташкilotларининг веб-сайтларида эълон қилиш ҳақидаги таклифларига розилик берилсин" дейилган. Ушбу қарорда давлат ўзини паст сифатли баҳолашлардан, сохталаштиришдан ҳимоя қилишга ҳаракат қилмоқда. Аммо, агар баҳолаш давлат идораси томонидан амалга оширилса, бу иш яхши бажарилганлигини англатмайди. Баъзи хусусий компаниялар давлатга қараганда юқори профессионал даражада ишлайди, аммо уларга давлат мулкни қадрлашга йўл қўйилмайди. Ҳолис рейтинг бу муаммони ҳам ҳал қилиши мумкин. Давлат ҳокимияти органлари мулкни баҳолашни давлат ташкilotлари эмас, балки рейтинг бўйича аниқланган энг яхши баҳоловчи ташкilotларга топшириши керак. Бунда баҳолаш ташкilotларининг ишбилармонлик обрўси рейтингини шакллантириш ва мунтазам нашр этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаши билдирилди, бу эса рейтинг баҳолашнинг илғор хориж тажрибаси асосида тегишли инфратузилма ва унинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш ҳамда баҳоловчи ташкilotлар рейтинг натижаларидан давлат идоралари, тижорат банклари ва бошқа ташкilotлар ҳамкорлик учун баҳолаш ташкilotларини танлаш бўйича танловлар ва тадбирларни ўтказишда фойдаланишлари кераклигини англатади.

Ўзбекистонда баҳоловчи ташкilotларнинг ҳолис рейтинг ва рэнкинг тизимини жорий этилиши баҳоловчиларнинг мижозлар учун ҳам, баҳоловчиларнинг ўзлари учун ҳам, умуман мулк қийматини баҳолаш хизматлари ривожини учун ижобий самара беради, булар қуйидагиларда ўз ифодасини топиши мумкин:

- рейтинг мижозга энг профессионал ва ишончли баҳоловчи ташкilotни аниқлашга имкон беради;

- рейтинг ва рэнкинг тузишда иштирок этиш баҳоловчи ташкilotлар фаолиятининг шаффофлигини сезиларли даражада оширади;

- баҳоловчи ташкilotлар бозоридаги ижобий обрўсини мустаҳкамлаш ва потенциал мижозлар доирасини кенгайтириш, шунингдек, ўзларининг брэндларини мустақил ва объектив тасдиқлаш имкониятига эга бўлади;

- баҳоловчи ташкилот унга рақобатчи бўлган бошқа баҳоловчи ташкилотларнинг муваффақият даражаси ва улар томонидан кўрсатиладиган ўхшаш хизматлар сифати бўйича ҳабардор бўла олади, натижада ўзини янада ривожлантиришга ва маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга ҳаракат қилади.

Ҳозирда рейтинг баҳолаш хизматларининг жаҳон бозорига олигополия хос бўлиб, унда 100 дан ортиқ рейтинг агентликлари фаолият юритади. Лекин бунда Нью-Йоркнинг "катта учталик" деб юритилувчи йирик рейтинг агентликлари улуши мазкур бозорнинг 90 фоизига яқин улушини ташкил қилади, яъни: Standard & Poor's (S&P) – 40%, Moody's – 40% и Fitch – 10% (Шоҳаъзамий ва Суннатов, 2017). Зеро, ушбу халқаро рейтинг агентликлари (жумладан A.M. Best Company Inc., Duff and Phelps ва бошқалар) хизматларининг нархи жуда юқори (Дьячкова, 2018). Бунда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда узоқ вақт давомида ва ҳозиргача ҳам баҳоловчи ташкилотларнинг ишончилигини рейтинг баҳолаш билан шуғулланадиган алоҳида рейтинг ташкилотлари бўлмаган, "Ахбор-рейтинг" агентлиги (Азимова, 2020) эса МҚБХБга ихтисослашмаганлиги учун бу ишларни бажармаган. Шу ва бошқа сабабларга кўра, Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотлар халқаро рейтинг агентликлари хизматларидан фойдаланишга ҳозирчалик тўлиқ тайёр эмас.

МҚБХБ профессионал институтлари бўлмиш баҳоловчи ташкилотлар фаолиятининг хосса ва хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олувчи такомиллаштирилган рейтинг ва рэнкинг баҳолаш принциплари ва методологиясини ҳамда уларга мос равишда аниқланадиган рейтинг баҳоларнинг халқаро рейтинг агентликлари шкаласига мувофиқлаштирилган миллий шкаласини қўйидаги ёндашувга асосланиб таклиф қилиш мумкин.

Таклиф этилган ёндашув қўйидаги принципга асосланиб, унинг амалга оширилишини таъминловчи методикалар мажмуи эса рейтинг ва рэнкинг баҳолаш методологиясини ташкил этади.

Ёндашув қўйидаги принципга ва методикаларга асосланади.

Баҳоловчи ташкилотнинг сифатий ва миқдорий параметрларини қамровчи мезоний кўрсаткичларни иккита йирик интеграллашган гуруҳ мезоний кўрсаткичларга ажратиб рейтинг ва рэнкингни баҳолаш принципи. Бунда уларни қўйидаги иккита йирик интеграллашган гуруҳларга ажратамиз:

1) баҳоловчи ташкилотнинг МҚБХБдаги фаоллиги (фаолиятининг муваффақияти, обрўси ва рақобатдорлиги) ўсишини эквивалент ифодаловчи сифатий омил (СО);

2) баҳоловчи ташкилотнинг молиявий ҳолатини ва молиявий ўлчами ўсишини эквивалент ифодаловчи миқдорий омил (МО).


Баҳоловчи ташкилотни мос равишда сифатий ва миқдорий ифодаловчи ҳар иккала омил (СО ва МО) ривожининг шаклланиши натижалари баҳоловчи ташкилотнинг бухгалтерия баланси (БТББ) асосий 4 та интеграл кўрсаткичи қийматида умумлашиб эквивалент равишда тўлиқ акс этади. Ушбу БТББ ҳолатининг эквиваленти бўлган СО ва МО омиллар ривожининг шаклланишини учинчи регулятив омил (РО) белгилайди. Бунда РО, СО ва МО омиллар эса:

- баҳоловчи ташкилот фаолиятида машғул бўлган инсон капиталининг (яъни ташкилот эгалари, хизматчи ва ишчилари, бошқарувчилари каби жисмоний шахсларнинг) маҳсулдорлиги, жумладан инновация ва рақамли технологиялардан фойдаланиш самарадорлигига;

- давлат макроиқтисодий сиёсатида боғлиқ равишда фаолият юритувчи баҳолаш хизматлари бозорининг ривожланганлик даражасига боғлиқ.

Илмий-фалсафавий нуқтаи назардан СО ва МО омиллар диалектиканинг миқдорни сифатга ва сифатни миқдорга айланиши қонунига асосан РО омил воситасида ўзаро сабаб-оқибатий алоқада бўлганлиги учун, улар бир-бирига айланиш ва бир-бирини узвий шаклланиш хоссасига эга. Шу сабабли, СО ва МО омилларни бир-бири билан РО омил орқали боғлиқ эквивалент категориялар деган гипотезанинг мақсадга мувофиқлигини илгари суриш мумкин. Мазкур қоидалар ва исботга асосланган гипотеза мазмунини ифодалаш учун 1-расм кўринишидаги тороидал шаклдаги модель ўринли.²

² Ушбу 1-расмда: ТО – МО ва СО категорияларга бир вақтда таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар; ХЧК – СО омилнинг чиқиш кўрсаткичлари (индикаторлари), улар бир вақтда РО омилга таъсир кўрсатади; НЧК – МО омилнинг чиқиш кўрсаткичлари, улар бир вақтда РО омилга таъсир кўрсатади; РО – МО ва СО учун умумий регулятор; ҚФО ва НФО – РО томонидан шакллантириладиган ҳамда мос равишда СО ва МО функцияларига таъсир этадиган ички омиллар.



1-расм. СО ва МО категория(омил)ларнинг РО орқали боғлиқлигини ифодаловчи тороидал шаклдаги тузилмавий-функционал модель

Бунда (1-расмда) РО, ТО ҳисобга олинган ҳолда, ХЧК ва НЧК асосида ички омиллар (ҚФО, НФО) шакллантиришдан иборат бўлган мувозанатлайдиган механизм функциясини бажаради. Барча омиллар ўзаро сабаб-оқибатлилиқ алоқада бўлади.

Шундай қилиб, юқорида айтилганлар асосида берилган принципнинг амал қилиши СО ва МО эквивалент категориялар эканлигининг математик исботи ва ижтимоий-иқтисодий системология қоидаларига таянади дейиш мумкин. Бу эса, баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолашда СО ёки МО омилга таяниш мумкинлигини англатади.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Назарий нуқтаи назарда ҳар қандай янги ёки такомиллаштирилган ёндашув ёки методнинг (бизнинг ҳолда баҳоловчи ташкилотлар рейтингини ва рэнкингини сифатий ва миқдорий баҳолаш методологиясининг) амалий жиҳатдан тўғри, қулай ва ишончли эканлиги уни конкрет объектлар мисолида қўллаб тест(синов)дан ўтказиш йўли билангина эмпирик асослаб сифат ва имкониятларини очиб бериш мумкин.

Ушбу тадқиқотимиз мақсадида, миқдорий методология вариантини таҳлилий тест синовдан ўтказамиз. Ушбу вариант фақат баҳоловчи ташкилотлар миқдорий омиллари бўлмиш бухгалтерия баланси асосий (4 та интеграл, яъни суммар) кўрсаткичларини бир-бирига боғлиқлиги ва нисбатлари (12 та коэффицент ва уларнинг эталон миқдорлари билан махсус мезонлар асосида ҳисоблаб топилувчи натижалар) ҳолати комплекс таҳлили, рейтинг ва рэнкинг баҳоланишининг математик методикасини қўллашга асосланган (Шоҳаъзамий, 2020; Shoha'zamiy, 2018; Шоҳаъзамий ва Суннатов, 2017; Шоҳаъзамий ва Суннатов, 2019; Суннатов, 2020).

Молиявий ҳолати, рейтингини ва рэнкинги баҳоланаётган баҳоловчи ташкилотлар бухгалтерия балансларининг 4 та асосий (суммар, интеграл) кўрсаткичлари (a – узоқ муддатли активлар, b – жорий активлар, c – хусусий капитал, d – қарз мажбуриятлари) бўйича зарурий ахборотлар базасини шакллантириш учун Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотлар бўйича зарурий маълумотлар уларнинг бухгалтерия балансидан (1-шакл) Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси кўмагида олиниши мумкин.

Бизнинг ҳол учун Ўзбекистоннинг таниқли баҳоловчи ташкилотларидан бўлмиш "UNIVERSAL APPRASERS GROUP" МЧЖ мисолида кўриб чиқамиз. Бунда таклиф этилган янги методология асосида мазкур баҳоловчи ташкилотнинг умумий рейтинг баҳоси аниқланиб, бир вақтнинг ўзида унинг бухгалтерия баланси сифатига ҳам баҳо берилади (1-жадвал).

“UNIVERSAL APPRASERS GROUP” МЧЖ рейтинг баҳоси

Меъёрланган молиявий ўлчам, йиллар бўйича			Молиявий рейтинг, йиллар бўйича			Рэнкинг поғонадаги молиявий рейтинг, йиллар бўйича		
2017	2018	2019	2017	2018	2019	2017	2018	2019
0,72	0,93	1,03	147,2	280,4	445,8	0,0049	0,0033	0,0023

Бунда қуйидаги меъёрий талабларга аҳамият бериш лозим:

1) молиявий ўлчам йилдан-йилга ўсиб бориши керак;

2) молиявий рейтинг нолга қанчалик яқин бўлса, баҳоловчи ташкилотнинг бухгалтерия баланси шунчалик сифатли бўлади;

3) баҳоловчи ташкилотнинг рэнкинг поғона ичидаги молиявий рейтинг қанчалик юқори бўлса, унинг топ-кучлиликдаги ўрни шунча юқори бўлади.

Ушбу 1-жадвал таҳлилидан қуйидаги ҳолатни кўриш мумкин.

Баҳоловчи ташкилотнинг ўрганилган йилларда меъёрланган молиявий ўлчамни ўсиб бориши ижобий ҳолат ҳисобланади. Лекин баҳоловчи ташкилотнинг меъёрланган молиявий ўлчами ўсиб бориши давомида менежмент (жумладан бухгалтерия) томонидан бухгалтерия баланси сифатли бўлишига эътибор қаратилмаган. Натижада, баҳоловчи ташкилотнинг ушбу йиллар давомида молиявий рейтинг ёмонлашган. Бухгалтерия баланси сифатининг қониқарсиз ҳолатда бўлиши рэнкинг поғона ичидаги молиявий рейтингни ёмонлашишга олиб келган.

Умуман олганда, “UNIVERSAL APPRASERS GROUP” МЧЖ рейтинг баҳоси меъёрий талабларга жавоб бермайди.

5. Хулоса ва таклифлар.

Рейтинг ва рэнкинг уларни баҳоловчи агентликнинг профессионал бизнес хизмати билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёни маҳсули бўлиб, ундан манфаатдор бўлган мижоз учун келишилган бозор нархида тайёрланиб мижознинг пулига айирбошланган товар сифатидаги маҳсулот кўринишида намоён бўлувчи иқтисодий категория. Бунда рейтинг ва рэнкинг баҳода бир вақтнинг ўзида рейтинг агентлик обрўси ва бу баҳога сазовор бўлган мижознинг ўз бозоридаги фаолият муваффақиятлилигининг даражаси ва рақобатдорлилик ўрни эквивалент равишда акс этади. Шу билан бир қаторда, рейтинг баҳо бир вақтнинг ўзида бозорнинг учта иштирокчисининг бир-бирига қарама-қарши бўлган ўзига хос мақсадларига эришилишини таъминлайди. Яъни, баҳоловчи ташкилот (компания) учун рейтинг баҳо мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозори(МҚБХБ)да рақобатдорлик учун курашда мижозларни ва инвестицияларни жалб қилишда муваффақият қозониш мақсадига эришишни таъминлайди.

Ўзбекистондаги МҚБХБда баҳоловчи ташкилотлар рейтинг ва рэнкингни баҳолаш тизимини яратишнинг қуйидаги тўртта босқичда амалга оширилиши лозим:

1) рейтингни баҳолаш учун зарур бўлган, бир-бирини мазмунан қайтармайдиган сифатий ва миқдорий кўрсаткичлар тизимини асосли танлаш ва уларни расмий тасдиқлаш;

2) танлаб олинган бундай ва ўзаро мувофиқлаштирилган кўрсаткичлар учун меъёрий миқдорлар базасини шакллантириш (бундай миқдорлар қуйидаги ишончлилик синфлари бўйича аниқлаш мумкин: биринчи – афзал бўлувчи, энг яхшиси, охири – номаъқули, ёмони) ва очиқ корпоратив ахборот базани шакллантириб уни ривожлантириб бориш;

3) баҳоловчи ташкилотлар рейтинг ва рэнкингни баҳолашнинг методологиясини танлаб олиш;

4) баҳоловчи ташкилотлар рейтинг ва рэнкингни баҳолашга ихтисослашган рейтинг ташкилотлар фаолияти учун зарур бўлган махсус институционал инфратузилмани яратиш.

Таклиф сифатида “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси контекстида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 1 июлдаги “Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” №ПҚ-4381-сон Қарорининг 7-банди 3-абзацида белгиланган вазифа ижроси юзасидан Ўзбекистонда МҚБХБ доирасида рейтинг баҳолаш ва рэнкингни белгилашнинг мақбул (баҳоловчи ташкилотлар фаолиятининг хосса ва хусусиятларини ҳисобга олувчи) такомиллаштирилган рейтинг ва рэнкинг баҳолаш методологиясини яратиш ва бунда рейтинг баҳоларнинг барча учун умумий (кросс) шкаласини (лекин нуфузли халқаро рейтинг агентликлари шкаласига мос бўлган вариантини) жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда МҚБХБ ва рейтинг агентликларини ўзаро боғлиқликда рақамли трансформациялантириш зарур.

Ўзбекистондаги кўпчилик фаолият турлари қаторида баҳолаш фаолияти ҳам лицензияланмайдиган бўлгани муносабати билан, “Баҳолаш фаолияти тўғрисида” қонунни бекор қилиниши ва бошқа фаолият турлари бўйича бекор қилинган қонунларнинг ўрнига умумлашган “Лицензияланмайдиган фаолият турларини амалга оширишнинг ўзини ўзи мувофиқлаштириш механизми тўғрисида” янги қонун ишлаб чиқилиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тезроқ қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Ушбу янги қонунда бизнес субъектлари, жумладан баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар фаолиятининг рейтинги ва рэнкингини баҳолаш, фаолиятлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қоидалар назарда тутилади.

Адабиётлар:

Shoha'zamiy Sh.Sh. (2018) Mulk, qiymat va narxning nazariy asoslari. Darslik. - T.: Iqtisod-moliya, 492 b.

Shokhazamiy Sh.Sh., Alimov B.B. (2019) Methods for complex retro-forecast analysis and complex forecasting of the accounting balance in terms of the interests of investors of insurance companies. // "International Journal of Research in social sciences" Volume-9, Issue-7, July 2019. 652-672 p.

Азимова Т. (2020) Рейтинг оценщиков повысился / Т. Азимова // Биржа [Электронный ресурс]. http://www.gazetabirja.uz/index.php?option=com_content&task=view&id=18921&Itemid=34.

Волкова, О.Н. (2001) Анализ хозяйственной деятельности предприятия / О. Н. Волкова, В. В. Ковалев. – М. : ПБОЮЛ М. А. Захаров, 424 с.

Дьячкова Н.Ф. (2018) Сопоставление рейтинговых шкал российских и зарубежных агентств: промышленные и финансовые компании // Корпоративные финансы, №2, Том 16. НИУ «ВШЭ». – с.35-52.

Курбатова Е.В., Безбородова Т.И. (2016) Рейтинговая оценка как экономическая категория. // В монографии: Теоретико-методологические подходы к формированию системы устойчивого развития предприятий, комплексов, регионов. Под ред. В.В. Бондаренко, И.А. Игошиной, М.А. Таниной, Т.И. Безбородовой. Пенза: Изд-во ПГУ, 508 с. - с.185-192.

Ковалева М. (2004) Рейтинг бьет рекорды // Эхо Москвы, №38.-с.3.

Миркин Я.М. (2014) Рейтинг как элемент суверенитета // Эксперт. № 6. с.14.

Новопашина Е.А. (2008) Практика оценки финансового состояния хозяйствующего субъекта с учетом мирового опыта : учеб. пособие / Е. А. Новопашина. М., 56 с.

Рахимов М.Ю. (2013) Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 392 б.

Синяк Н.Г. (2012) Анализ параметров и разработка методики оценки компаний, занимающихся оценочной деятельностью./Н.Г.Синяк, А.Н.Долгих // Вестник Полоцкого госуниверситета. Сер. D. Экономические науки. № 6. С. 27–34. <http://elib.psu.by:8080/handle/123456789/290>.

Суннатов Ю.У. (2020) Номолиявий компанияларнинг умумий баҳосига қараб молиявий топ-кучликдаги ўрнини аниқлаш.// Тошкент молия институтининг “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали №4, -10 б.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни

ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ПФ-5953-сон.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги №УП-6079-сон Фармони.

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги “Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” №ПҚ-4381-сон.

Қаландарова Н.Н. (2019) Корхоналар молиявий ҳолатини рейтинг баҳолашда таҳлил методикасини такомиллаштириш. // Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. автореферати, ТМИ. 48 б.

Шоҳаъзамий Ш.Ш. (2020) Трактат о смарт цифровой республике. Монография. – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 352 с.

Шоҳаъзамий Ш.Ш., Суннатов Ю.У. (2017) Номолиявий фирмалар бухгалтерия баланси кўрсаткичларининг таҳлил усули, меъёрлари ва оптимал миқдорларини аниқлаш.// В кн.: “Пути и механизмы дальнейшего развития и либерализации экономики в свете реализации Стратегии действий по пяти направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах”//По материалам IX Форума экономистов Узбекистана.// Ташкент, ИПМИ при Кабинете Министров Республики Узбекистан, с.280-284.

Шоҳаъзамий Ш.Ш., Суннатов Ю.У. (2019) Фирмалар молиявий ўлчамига қараб молиявий ҳолати рейтинги бўйича уларнинг молиявий топ-кучлиликдаги ўрнини аниқлаш//“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. З.М.Бобур номидаги Андижон Давлат университети.